БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 5 (752)

8 ЯНВАРЬ СЕШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Болгария, Венгрия, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг коммунистик ҳамда ишчи партиялари ва ҳукуматлари вакилларининг Будапештдаги учрашуви тўғрисида ахборот (1-бет).

Икки улуғ халқнинг буюк дўстлиги — Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумат делегацияси Совет пойтахтида тантанали кутиб олинди (1-бет).

Совет Иттифоқида (1-бет).

Йил бошидан бир меёрда ишлайлик (2-бет).

Социалистик лагерь мамлакатларини янада жипслаштириш учун (2-бет).

Ростов области МТСлари ва совхозлари тракторчиларининг, комбайнчилари, ремонт ишчиларининг, трактор бригадалари бошлиқларининг, инженер-техник ходимларининг Совет Иттифоқидаги барча қишлоқ хўжалик механизаторларига Мурожаати (2-бет).

Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг муҳим вазифалар тўғрисидаги баёноти (4-бет).

Буюк Британиядаги СССР элчихонасининг норозилик нотаси (4-бет).

Совет Иттифоқининг Цейлон аҳолисига ёрдами (4-бет).

Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг съезди ёпилди (4-бет).

Болгария, Венгрия, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг коммунистик ҳамда ишчи партиялари ва ҳукуматлари вакилларининг Будапештдаги учрашуви тўғрисида

АХБОРОТ

Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати ва Венгрия Социалистик ишчи партияси раҳбарлигининг таклифига мувофиқ, Болгария Коммунистик партияси ва Болгария Халқ Республикаси Ҳукуматининг вакиллари Живков ва Дамянов ўртоқлар, Руминия Ишчи партияси ва Руминия Халқ Республикаси Ҳукуматининг вакиллари Георгиу-Деж, Могиорош ва Борила ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет Ҳукумати вакиллари Хрушчев ва Маленков ўртоқлар, Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакия Республикаси Ҳукуматининг вакиллари Новотний ва Широкий ўртоқлар 1 январда Будапештга келдилар.

1 январдан тортиб 4 январгача юқорида номлари айтилган партия ва ҳукумат вакиллари ўртасида учрашувлар бўлди. Бу учрашувларда Живков, Дамянов ўртоқлар (Болгария), Кадар, Мюнних ўртоқлар (Венгрия), Георгиу-Деж, Могиорош, Борила ўртоқлар (Руминия), Хрушчев, Маленков ўртоқлар (СССР), Новотний, Широкий ўртоқлар (Чехословакия) ҳозир бўлдилар.

Учрашувлар вақтида бир-бирларини қизиқтираётган сиёсий ва иқтисодий характердаги ва партия ҳаётига доир бир қанча масалалар юзасидан, шунингдек халқаро аҳволга доир бир қанча актуал масалалар юзасидан ўртоқларча ва дўстона фикр олишилди.

Учрашувларнинг қатнашчилари ўз мамлакатлари ва ўз партияларидаги аҳвол тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

Болгария, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия, шунингдек барча социалистик мамлакатлар социализм ва коммунизм қуриш ишида янги катта муваффақиятларга эришганликлари мамнуният билан қайд қилинди. Венгриянинг халқ хўжалиги социалистик йўлдан муваффақиятли суратда ривожланиб борган эди. Аммо, контрреволюцион кучларнинг хуружи ана шу тараққиётга халақит берди. Контрреволюция бостирилганидан кейин ҳозирги пайтда Венгриянинг социалистик экономикаси ўз суръатларини дадил тезлаштирмоқда ва юксалиш йўлидан бормоқда. Ўтган йили социалистик лагердаги мамлакатларда халқ хўжалик планлари муваффақиятли суратда бажарилди, халқларнинг фаровонлигини яхшилаш йўлида олға қараб янги қадам қўйилди, маданият, фан ва техникани ғоят юксалтиришга муваффақ бўлинди. Бу мамлакатларнинг халқлари марксизм-ленинизм улуғ байроғи остида ўз коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматлари теварагига тобора маҳкам жипслашдилар.

Учрашувларнинг ҳамма қатнашчилари якдиллик билан шундай хулосага келдиларки, халқ-демократик тузумни ва венгер халқи эришган социалистик ғалабаларни тугатиш йўлидаги уринишларга Венгрия меҳнаткашлари Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг раҳбарлиги остида ва совет қўшинларининг ёрдами туфайли зўр ғайрат билан зарба бердилар. Венгрияда фашист диктатурасининг ўрнатилиш хавфи йўқотилди, ички контрреволюциянинг ва агрессив империалистик доираларнинг Венгрияни Европада янги урушнинг хавфли ўчоғига айлантиришдан иборат қора ниятлари барбод этилди. Империалистик доираларнинг социалистик лагердаги бирликка путур етказиш йўлидаги уринишларига қатъий зарба берилди.

Учрашувда қатнашган коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда ҳукуматларнинг вакиллари Венгриянинг сиёсий аҳволи ва иқтисодий турмуши нормаллашиб бораётганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар. Мамлакатдаги барча соғлом демократик кучлар ишчилар синфи бошчилигида Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати ва Венгрия Социалистик ишчи партияси теварагига тобора маҳкам жипслашмоқдалар, ҳукумат ва партиянинг сиёсий ҳамда иқтисодий тадбирларини қўллаб-қувватламоқдалар, халққа душман бўлган ва империалистик пропаганданинг кўрсатмаси билан аҳоли ўртасида провокацион қўпорувчилик ишлари олиб бораётган элементларга актив суратда қарши чиқмоқдалар. Венгрия деҳқонлари нормал меҳнат қилмоқдалар. Венгрия деҳқонлари контрреволюцион ва империалистик пропаганда провокациясига учмадилар ва Венгрия қишлоғида эски помешчик тартибларини қайтадан тиклаш йўлидаги уринишларга зарба бердилар. Венгрия меҳнаткашларининг контрреволюция томонидан илгари сурилган демагогик провокацион, миллатчилик шиорлари билан алданган қисми алданганлигига тобора кўпроқ ишонмоқда ва ана шу алданиш ҳамда контрреволюциянинг ҳаракати натижасида венгер халқи энг яхши фарзандларининг қони тўкилганлигини, венгер халқининг ана шу энг яхши фарзандлари контрреволюцион шайкалар терроридан ҳалок бўлганликларини эндиликда кўриб турибди. Венгрия меҳнаткашлари халқ-демократик тузумга ва социализм ишига душман бўлган кучлар ўзларини итариб туширмоқчи бўлган йўл ҳалокатли йўл эканлигини тобора равшан англамоқдалар.

Венгрия ишчилар синфи, деҳқонлар ва интеллигенция мамлакатдаги аҳволга ва венгер халқи ҳамда Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати олдида турган вазифаларга тўғри баҳо бермоқдалар. Венгрия меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иқтисодий ҳаётни нормаллаштириш, мамлакат халқ хўжалигини юксалтириш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва маблағлар жамғариш йўли билангина халқнинг фаровонлигини юксалтиришни ва халқ-демократик Венгриясини мустаҳкамлашни таъминлаш мумкин эканлигини тобора равшан тушунмоқдалар.

Учрашувларнинг қатнашчилари фикр олишиш вақтида шуни қайд қилдиларки, Венгрия коммунистлари ўз сафларини тобора маҳкам жипслаштирмоқдалар ва Венгрияда халқ-демократик тузумни ва социализм қурилишини мустаҳкамлаш учун, социалистик лагердаги барча мамлакатлар билан барқарор дўстона муносабатларни ривожлантириш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

Болгария, Руминия, СССР ва Чехословакия вакиллари венгриялик ўртоқларни ишонтириб айтдиларки, ўз мамлакатларининг халқлари халқ-демократик давлатни мустаҳкамлашда, бу давлатнинг мустақиллигини ва хавфсизлигини агрессив империалистик кучлар томонидан бўладиган қасдлардан таъминлашда Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматига ва Венгрия Социалистик ишчи партиясига ҳар томонлама ёрдам берадилар ва уларни қўллаб-қувватлайдилар.

Учрашувларнинг қатнашчилари Совет Иттифоқининг 1956 йил 30 октябрь Декларацияси тўғрисида фикр олишдилар ва Совет ҳукуматининг Декларацияси барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликдан иборат ленинча принципларга, пролетар интернационализми принципларига риоя қилиш асосида социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш манфаатларига тамомила муносибдир, деган фикрни якдиллик билан изҳор қилдилар.

Мамлакатларнинг вакиллари қониқиш билан шуни қайд қилдиларки, Декларациядаги қоидалар социалистик давлатларнинг ўзаро муносабатлари практикасида муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Бу эса, социалистик лагерни янада жипслаштиришга, социализм мамлакатларидаги хўжалик ва маданий қурилишни янада юксалтиришга, бу мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳамда уларнинг бир-бирларига қардошларча ёрдамини кучайтиришга ёрдам беради.

Учрашувларнинг қатнашчилари халқаро аҳволга доир актуал масалалар юзасидан фикр олишиш натижасида шу нарсани қайд қилдиларки, кейинги вақтларда халқаро вазиятдаги кескинлик анча кучайди. Дунёни «совуқ муносабатлар уруши»га қайтаришга интилаётган ғарб давлатлари агрессив доираларининг ҳаракатлари натижасида ана шу кескинлик кучайди. Англия-Франция-Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессияси, шунингдек империалистик доираларнинг Венгриядаги ҳаракатлари буни исбот қилади.

Халқаро вазиятдаги кескинлик Қўшма Штатларнинг ҳаракатлари натижасида ҳам авж олмоқда. Қўшма Штатлар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини асорат остига олиш учун яна кенг миқёсда ҳаракат қилмоқда. «Эйзенхауэр-Даллес доктринаси» деб аталган план АҚШнинг ана шу мустамлакачилик интилишларини ифода этади. АҚШ президентининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги америка қуролли кучларидан ўз билганича фойдаланиши учун унга алоҳида ваколатлар берилиши ана шу «доктрина»нинг таркибий қисмидир. Америка монополия капитали ва бу капитал милитаристик доираларининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ишларига сурбетларча аралашаётганлиги ана шу райондаги аҳволни яна жиддий суратда кескинлаштириб юборди. Бу район ҳали яқиндагина Мисрга қарши қилинган агрессия орқасида уруш ҳаракатлари майдони бўлган эди.

Яқин ва Ўрта Шарқда вазиятнинг кескинлашганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатлар учун бутун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари зиммасига юкланади. Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг манфаатлари ва бу районда осойишталик ҳамда тинчликни сақлаш манфаатлари барча давлатларнинг Мисрга қарши қилинган агрессия оқибатларини тугатиш учун, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларининг ишларига ташқаридан ҳар қандай йўл билан аралашишга йўл қўймаслик, бу давлатларнинг суверенитети ва мустақиллигини камситишга йўл қўймаслик учун бутун кучларини сарф қилишларини талаб этади.

Социалистик давлатлар халқлар ўртасида тинчлик ишини доим қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, «совуқ муносабатлар уруши»га қайтишга йўл қўймаслик учун бутун кучларини сарф қиладилар. Улар агрессив доираларнинг халқаро вазиятни янада кескинлаштиришга, зўр бериб қуролланишни кучайтиришга, қарбий психозни авж олдиришга қаратилган уринишларини барбод этмоқ учун социалистик тузумнинг кучларидан ва ўз таъсирларидан фойдаланишга қатъий қарор бергандирлар. Улар давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва халқларнинг чинакам хавфсизлигини таъминлаш имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилмаётганлигини яхши биладилар. Ҳозирги шароитда давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучларини камайтиришга ва атом ҳамда водород қуроли каби вайронгарчилик келтирувчи хавфли қуролларни тақиқлашга қаратилган амалий тадбирларни кўриш жуда катта аҳамиятга эга бўлур эди. Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш Европадаги барча халқларнинг, шунингдек дунёдаги барча халқларнинг хавфсизлиги ва ўз таъсирларидан фойдаланишга қатъий қарор бергандирлар. Улар давлатлар ўртасидаги муносабатларни

Йил бошидан бир меёрда ишлайлик

1957 йил программасини ҳам шараф билан бажарамиз

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленуми қарорини ўқиб, жуда хурсанд бўлдик. Унда совет халқининг олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йилда эришган буюк меҳнат ғалабалари ҳамда келгуси режалар аниқ кўрсатиб берилган.

1956 йилда енгил саноат халқ истеъмоли учун планда кўрсатилганидан 3 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ютуқларни қўлга киритишда комбинатимиз ишчилари, инженер-техник ходимларининг ҳам ҳиссалари бор.

Лекин, биз совет кишилари қўлга киритган ютуқларимиз билан мағрурланмаслигимиз керак, жонажон партиямиз бизга шундай таълим бермоқда. Коллективимиз 1956 йилда планга қўшимча равишда 3 миллион сўмлик кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Тикув цехида айрим процесслар қўл меҳнати билан бажарилаётир. Кийим-кечакларга тугма қадаш анча майда иш. Бу процесс анчагина ишчини банд қилиб қўяётир. Холбуки, бизда бу ишни механизациялаш имкониятлари бор. Бироқ, маъмуриятлар бу имкониятларни ишга солиш тўғрисида қайғирмаётир.

Пленум қарорида саноат корхоналарини янада тез суръатлар билан юксалтириш, корхона хўжалигидаги камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш алоҳида таъкидланган.

Биз партиямиз қарорларини оғишмай амалга ошириш, 1957 йил программасини ҳам шараф билан бажариш учун курашамиз.

Х. ШОНАЗАРОВА,
С. ЮСУПОВА,
Янгийўл тикув-пойафзал комбинатининг ишчилари.

«Подъёмник» заводи коллективи 1957 йилда ўтган йилдагидан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун йил бошиданоқ зўр ғайрат билан ишламоқда. **Суратда:** смена топшириғини 200 процентга етказиб бажараётган токарь ўртоқ **Ю. Демидов** ўзи тайёрлаган детални жойламоқда.

В. Салов фотоси.

Олмалиқ шаҳрида индустриал методлар билан бино қуриш тобора кенгаймоқда. **Суратда:** йириқ бетон ва гишт блокларидан ҳамда йирма конструкциялардан қурилган уйлар.

А. Аверьянов фотоси.

Янги технология қўлланмоқда

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективи ишлаб чиқариш процессларига янги технологияни кенг жорий қилиб катта ғалабаларга эришмоқда. Яқинда фабрика ишчилари янги технология асосида пойафзал тайёрлашга киришдилар.

Фабриканинг конструкторлик бюроси томонидан ишлаб чиқилган бу метод ҳозир болалар пойафзали тайёрлашда муваффақият билан қўлланилмоқда. Фабрикада ана шундай усулда маҳсулот тайёрлайдиган 4 та цех ишга туширилади. Бу цехлардан иккитаси маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

Янги технология асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчиш йилига ярим миллион сўм маблағ иқтисод қилиш имкониятини беради.

Л. БЛИНДЕР.

Унумли ишлашимизга нималар тўсқинлик қилаётир

Заводимиз бошлиғи Шувалов ва техника хавфсизлиги бўйича инженер Алексеев ўртоқларнинг бази масалалар юзасидан тутаётган позицияси кўпчиликни доғда қолдираётир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам тушунган, маълумотли кишилар. Уларнинг зиммасига мавжуд ишлаб чиқарувчи кучларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб бериш ва шу йўл билан давлат планларини системали равишда ошириб бажаришга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган.

Хўш, бу ўртоқлар ўзларига юклатилган вазифани қандай бажараётирлар, коллектив ишончини оқлаётирларми, йўқми?

Очиғини айтганда биз ишчилар уларнинг фаолиятидан қониқмаётирмиз. Аслида раҳбардан ишчининг нолиши ҳунук гап. Лекин ҳозирги пайтда улар устидан шикоят қилишга мажбурмиз. Умумий иш манфаати, жонажон заводимиз манфаати шуни талаб қилаётир.

Бизнинг завод қишки мавсумга ёмон тайёрланди. Цехларнинг томи, эшик ва деразалари тўла ремонт қилинмади. 1 ва 3-цехларнинг томидан чакка ўтади, дераза ромларининг ойнаси қачонлардан бери синиб ётибди. Бир неча ой илгари бузилган эшиклар ҳали ҳам тузатилмаган.

Бундай қараганда булар майда-чуйда камчиликка ўхшайди, бироқ бу камчиликлар ишлабчиқаришга ҳам таъсир қилиши мумкин. 1956 йил 26 декабрдан бошлаб бир неча кун босим ёққан қор юқоридаги икки асосий цехда нормал ишлашни қийинлаштириб қўйди. Айниқса, янги йилдан изғирин совуқлар бошланиб кетгач, цехда нормал температура бўлмаганлиги учун станок олдида туриб ишлаш жуда қийин бўлиб қолди. Нормал ишлашимизга шароит яратиб берилмаганлиги туфайли 4 кундан бери бизнинг цехимизда кундалик топшириқ бажарилмай қолаётир. Бир сменада 2-3 норма бажарадиган илғорлар ҳам 80-90 процентдан нарига ўтолмаётирлар.

Ўрнатилган станоклар олдида хавфсиз ишлаш учун шароит яратилмаган, ишлаб чиқариш майдонларида турли деталлар қалашиб ётади, ишланиши керак бўлган заготовкалар эса ҳовлида қор тагида ётибди. 11- йигув цехидаги қудратли компрессор қаттиқ овоз билан ишлаганлиги учун кишининг нервига тегади. Бу компрессорга глушитель ўрнатиш, станокларни ихоталаш, дераза, эшик ва томларни бутунлаш тўғрисида ҳамма цехнинг ишчи ва мастерлари, инженер-техник ходимлари ўртоқ Шувалов ва ўртоқ Алексеевга бир неча марта мурожаат қилдилар. Ҳатто мажлисларда бир эмас, бир неча марта тақрорладилар, қатъий талаб қилдилар. Бироқ, бу ўртоқлар негадир бу муҳим ишни пайсалга солмоқдалар. Уларнинг «бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури» деб юришлари коллектив манфаатига ҳам, давлат манфаатига ҳам катта зарар келтираяпти.

Анвар ТОЖИЕВ,
МПС машинасозлик заводи 3-механика цехининг токари.

Бир меёрда ишлаш яхши натижа бермоқда

Каганович номли Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг ишчи, инженер-техник ходимлари янги йилни ишлаб чиқариш соҳасида қўлга киритилган катта ютуқлар билан нишонладилар. Ватанимизнинг юраги бўлган темир йўл транспортига пландан ташқари бир ярим миллион сўмликдан ортиқ запас қисмлар тайёрлаб бердилар.

Завод коллективи ўтган йилда қўлга киритган ана шу ғалабаларни мустаҳкамлаб, олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Улар бунга эришмоқ учун янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ бир меёрда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларидан руҳланиб, зўр ғайрат билан ишлаётган инструментал цехининг коллективи 2 январда суткалик графикни ошириб адо этди. Илғор ишчилар эса меҳнатда намуна кўрсатдилар. Шу куни слесарь С. Муратов смена топшириғини 268, токарь Ю. Зайцов 364, станокчи Н. Орлов 343, чархчи Д. Пунько 358 процент қилиб адо этдилар. Цех ишчиларининг деярли ҳаммаси ўз нормаларини ошириб бажардилар.

Шунингдек, ремонт-комплектлаш цехининг ишчилари ҳам янги йилнинг биринчи кунидаёқ олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун қаттиқ аҳд қилганликларини амалда исбот этмоқдалар.

Завод маъмурияти ҳамма цех, участка ва бригадаларнинг доим бир меёрда ишлашини таъминлаш учун ишлаб чиқаришга олдиндан пухта ҳозирлик кўриш ишларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятини бераётир.

Ж. МАҲМУДОВ.

Тошкентдаги канап йигирув-тўқув фабрикаси ишчилари ўртасида бир неча касбни ўрганиш ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. **Суратда:** илғор ишчи **Раиса Ермакова** шаҳар Советининг депутати, потокчи Татьяна Маринина ипни шлихталаш касбини ўргатаётир.

А. Палехов фотоси.

Ростов области МТСлари ва совхозлари тракторчиларининг, комбайнчилари, ремонт ишчиларининг, трактор бригадалари бошлиқларининг, инженер-техник ходимларининг Совет Иттифоқидаги барча қишлоқ хўжалик механизаторларига

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар! Ростов области колхозларининг, МТС ва совхозларининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг қарорларини бажариш йўлида курашиб, олтинчи беш йилликнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тобора кенг авж олдирмоқдалар.

МТС ва совхозларнинг механизаторлари партия ва ҳукумат қарорларини тезроқ амалга ошириш учун курашиб, колхозчилар билан яқин ҳамкорликда ишлаб, 1956 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида бир мунча муваффақиятларга эришдилар. Доннинг ялпи ҳосили анча кўпайтирилди, ғалла етказиб бериш давлат плани муддатидан олдин бажарилди. Давлатга 65 миллион пуд, ёки ўтган йилдагига қараганда 10 миллион пуд кўп ғалла топширилди ва сотилди. Маккажўхори сингари қимматли экин экилаётган майдон кенгайтирилиб, 443 минг гектарга етказилди, ёки 1954 йилдагига нисбатан беш баравардан зиёдроқ кўпайтирилди. Маккажўхори фақат квадрат-уялаб сараланган уруғликлар билан экилди. Бу эса, маккажўхори қатор ораларини машина билан ўз вақтида ишлашга ҳамда унинг дони ва кўк поясидан яхши ҳосил олишга имкон берди. Кунгабоқар уруғлигини давлатга топшириш плани 164 процент бажарилди. Давлатга кунгабоқар уруғлиги ўтган йилдагига қараганда 3,7 миллион пуд кўп топширилди. Область колхозлари ва совхозлари сут топшириш планини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 232,5 минг тонна ёки 1955 йилнинг шу давридагига қараганда 60 минг тонна кўп сут топширилди ва сотилди. Гўшт, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўтган йилдагига қараганда анча кўп топширилди.

Область машина-трактор станциялари ва совхозлари трактор ишлари ҳажмини йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар, қишлоқ хўжалигига доир асосий ишлар-ер ҳайдаш, чопиқ қилинадиган экинларнинг ва техника экинларининг қатор ораларини ишлаш, бошоқли экинлар ва кунгабоқар ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ишлари тўла равишда машиналаштирилди.

1957 йилда область колхозчилари, МТС, совхозларининг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари дон, сут, гўшт, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тағин ҳам кўпроқ етиштириш вазифасини ўз олдиларига қўймоқдалар. Бу вазифанинг бажарилиши бутун қишлоқ хўжалик техникасини яхши сифатли ремонт қилиб, кўкламги дала ишларига ўз вақтида тахт қилиб қўйишга ва экишни энг яхши агротехника муддатларида ўтказишга боғлиқдир.

Бу йил область МТСлари ва совхозларининг механизаторлари, инженер-техник ходимлари устахоналарни ҳамда станок — ускуналарни яхшилаб тайёрлаб қўйдилар, тракторларни, комбайнларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини кузги-қишки ремонтдан чиқариш ишларини ўз вақтида авж олдириб юбордилар. Родионово — Несветайская МТСининг коллективи область механизаторларининг қишлоқ хўжалик техникасини юқори сифатли қилиб ремонт қилишни ва кўкламги дала ишларига тайёрлашни муддатидан олдин тугаллаш учун социалистик мусобақа бошлашда ташаббусчи бўлди. Дондаги ҳамма МТСлар ва совхозлар бу чақириқни қизғин суратда қабул қилдилар. 1956 йил 31 декабрдаги маълумотларга қараганда, область МТСлари тракторларни ремонтдан чиқариш квартал планини 144 процент бажарганлар, 25 МТС эса ўзларидаги ҳамма тракторларни ремонт қилиб бўлганлар. Родионово-Несветайская, Большe-Крепинская, Кугейская, Целинская, Ремонтненская, Куйбишевская, Веселовская, Западная, Волуевская, Воропцовская, Хлебороб ненская, Первомайская МТСлари ва ўқувтажриба ғалла совхози тракторларни ремонт қилиш ишларини айниқса уюшқоқлик билан ўтказдилар ва кузги-қишки ремонт планини областда биринчи бўлиб тамомладилар.

Биз, Ростов области МТСлари ва совхозларининг тракторчилари, комбайнчилари, ремонт ишчилари, трактор бригадаларининг бошлиқлари ва инженер-техник ходимлари тракторларни, комбайнларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ишларини муддатидан олдин бажариш ва юқори сифатли қилиб ўтказиш учун, уларни 1957 йилги дала ишларига намунали қилиб тайёрлаш учун социалистик мусобақага қўшиламиз ҳамда тракторлар, ер ишлайдиган машиналар ва экиш машиналаринининг ҳаммасини 15 февралгача, комбайнларни, лафетли ўроқ машиналарини, подборщикларни ва пичан ўриш машиналарининг ҳаммасини 1957 йил 1 майгача батамом ремонтдан чиқариб олишга сўз берамиз. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонтининг таннархини лимитдаги қийматга нисбатан 6 процент камайтирамиз.

Машина-тракторларни фақат узел методи билан ремонт қиламиз, тракторлар ва комбайнлар моторларининг қанча қувват бериши мумкинлигини ва қанча ёнилғи сарфлаши мумкинлигини синовдан ўтказиб қўямиз, передачаларни ўтказиш коробкаларини ва орқа мостларни обкаткадан ўтказиб қўямиз. Ремонтдан чиққан ҳар бир тракторни белгиланган тартибда обкаткадан ўтказамиз, ҳамма тракторлар ва комбайнларга электрчироқ ўтказиб қўямиз ҳамда механизаторларни зарур асбоблар комплекти билан таъминлаймиз. Дала ишлари бошлангунча ҳар бир МТСда ва совхозда дала шароитида техника парваришини ва майда-чуйда ремонтларни нормал ўтказмоқ учун керакли агрегатлар, узеллар ва запас қисмларнинг айирбошлаш фондини вужудга келтирамиз. 1957 йил январь-март ойларида ҳар бир МТСда ва совхозда доимий ва мавсумий ишчиларнинг малакасини ошириш ва уларга хавфсизлик техникасини ўргатиш учун техника ўқуви ташкил қиламиз. Машиналардан бутун йил бўйи юқори унумли фойдаланишни ва уларни тўғри асрашни ташкил қиламиз. Механизаторлар ва колхозчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшиламоқ учун трактор бригадаларидаги дала шийпонларининг ҳаммасини дала ишлари бошлангунча обод қилиб қўямиз.

Область колхозлари ва совхозларида уруғликларни кўкламги экишга тахт қилиб қўйиш, далаларда қорни сақлаб қолиш, маҳаллий ва минерал ўғитларни ташиб олиш, чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни машиналаштириш ҳамда чорва молларнинг қишловдан яхши ўтишни таъминлаш ишларини авж олдириб юборамиз.

Азиз ўртоқлар, биз Ростов области МТС лари ва совхозларининг ходимлари дон, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлар етиштиришни янада кўпайтирмоқ учун ўз устимиздаги бутун масъулиятни англаган ҳолда, Совет Иттифоқидаги МТС лар ва совхозларнинг ҳамма тракторчиларига, комбайнчиларига, ремонт ишчилари трактор бригадаларининг бошлиқларига, инженер-техник ходимларига мурожаат қилиб, ҳамма тракторларни, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини юқори сифатли қилиб ва муддатидан олдин ремонтдан чиқариш ҳамда уларни 1957 йилги дала ишларини намунали тайёрлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишни таклиф қиламиз.

Бу мурожаат Ростов области МТСлари ва совхозларидаги механизаторларнинг йиғилишларида муҳокама этилди ва қабул қилинди.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ерга кўп гўнг солган деҳқон ютади

Яқинда матбуотда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1956 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштирган районлар, колхозлар ва совхозларга республика Қизил байроғини бериш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Республика Қизил байроғини олган районлар, колхозлар бизнинг областимизда ҳам кўп.

Оржоникидзе районидаги Сталин номли, Киров номли, Маленков номли, Хрушчев номли, «Қизил Ўзбекистон», Молотов номли, «Сталинград» колхозлари ўтган йили ҳар гектар ердан ўртача 34,7-42,2 центнер орасида пахта етиштирдилар. Бу, республикада энг юқори ҳосилдир. Ана шу колхозларнинг аъзолари ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қандай қилиб эришдилар? Бу тўғрида илғор колхозларнинг пахтакорлари билан сўзлашсангиз, агротехниканинг жуда кўп тадбирлари билан бир қаторда мўл ҳосил ерга кўп гўнг тушганлиги учун етиштирилди, — деб айтадилар. Дарҳақиқат ана шу колхозларга куз фаслида бориб қолсангиз, далалар атрофидаги махсус чуқурларга кўплаб гўнг тўпланаётганлигини кўрасиз. Пахтачилик ривожлантирилаётган ана шу колхозларда чорвачиликнинг тобора юксалаётганлиги диққатга сазовордир. Бу колхозларда чорва фермаларидаги гўнг ўз вақтида далаларга чиқариб солинади.

Илгор колхозчиларнинг айтишига қараганда, гўнгни чиритиб минерал ўғитга аралаштириб ерга солинганда унинг фойдаси яна ҳам яхшироқ бўлади. Агар гўнг чиритилмай, далага чиқариб солинса, унга илашиб қолган баъзибир қишлоқ хўжалик ҳашаротлари қиш даврида ҳам жон сақлаб, ёзда ғўзани зararлаши мумкин.

Республика Қизил байроғини олган колхозлар ичида Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли, Андреев номли, Янгийўл районидаги Ворошилов номли, Сталин номли колхозлар ҳам бор. Бу колхозларнинг правлениелари ва барча пахтакорлари ҳар йили ҳам кўплаб маҳаллий ўғит жамғаришга ва уни ерга чиқариб солишга катта эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам бу колхоз аъзолари пахта ҳосилини йил сайин оширишга эришмоқдалар.

Ҳозирги пайт маҳаллий ўғит жамғариш учун энг қулай палладир. Колхоз правлениелари ва совхозларнинг дирекциялари ўз хўжаликларидаги барча транспорт воситаларини маҳаллий ўғит тайёрлашга сафарбар этишлари, фермалардаги, қишлоқ ичидаги гўнгларни тезроқ ташиб чиқариш, уни далалардаги махсус чуқурларга тўплаб чиритиш тадбирларини кўришлари керак.

Маҳаллий ўғитнинг ҳосилни оширишда катта роль ўйнаши ҳар бир деҳқонга маълум. Бироқ баъзибир районларда маҳаллий ўғит жамғаришга етарли эътибор берилмаётир. Ўрта Чирчиқ районидаги кўпгина колхозлар қулай фурсатдан етарли фойдаланмаётирлар. Улар фермалар атрофида тўпланиб ётган маҳаллий ўғитни далага чиқариш тўғрисида амалий иш олиб бормаётирлар. Шунинг учун бу райондаги бир қанча колхозларда пахта ҳосили йил сайин камайиб кетмоқда.

Ерга қанча кўп гўнг солинса, тупроқ шунча унумдор бўлади, демак ҳосил мўл бўлади. Ҳар бир колхозда маҳаллий ўғит тўплашга зўр эътибор берилсин, бригадаларда махсус гўнгхоналар бўлсин.

Социалистик лагерь мамлакатларини янада жипслаштириш учун

Кеча «Правда»да Болгария, Венгрия, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистик ва ишчи партияларининг ҳамда ҳукуматларининг вакиллари Будапештда учрашганликлари тўғрисида ахборот эълон қилинди. Шу йил 1 январдан 4 январгача бўлган учрашувлар вақтида бир-бирларини қизиқтираётган сиёсий ва иқтисодий характердаги ва партия ҳаётига доир бир қанча масалалар юзасидан, шунингдек халқаро аҳволга доир бир қанча актуал масалалар юзасидан ўртоқларча ва дўстона фикр олишинди. Учрашувларнинг қатнашчилари ўз мамлакатлари ва ўз партияларидаги аҳвол тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

Коммунистик ва ишчи партияларни бирлаштирган нарса шуки, уларнинг мақсадлари умумийдир, улар меҳнаткашларнинг манфаатлари учун курашмоқдалар, марксизм-ленинизм идеологиясининг бирлиги уларни жипслаштирмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида яқиндан бўлаётган алоқа ва ўзаро боғланиш социализм ишига хизмат қилмоқда. Марксча-ленинча партиялар ўз фаолиятларини умумий мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ равишда, шунингдек ўз мамлакатларининг миллий хусусиятларига ва шароитига мувофиқ равишда ривожлантириб, тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг умумий масалалари устида бир-бирлари билан фикрлашиб турадилар, бу эса коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида пролетар интернационализми принциплари асосидаги ўзаро ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлайди.

Улуғ коммунистик ҳаракат бир асрдан кўпроқ вақтдан бери ўсиб бормоқда ва омма орасидаги ўз таъсирини кучайтирмоқда. Бу ҳаракат янгидан-янги мамлакатларни ўз қучоғига олмоқда. Социалистик турмуш қуришда марксизм-ленинизм халқларнинг ғолибона байроғи бўлиб қолди, пролетар интернационализми принциплари ёрқин келажак учун курашда меҳнаткашларни руҳлантириб турибди.

Коммунистик ҳаракатнинг кучи ишчилар синфи халқаро бирдамлигидан иборатдир. Шу сабабли империалистлар коммунистик партияларнинг орасини бузишга ҳамиша ҳаракат қилиб келганликлари, ҳозирги вақтда эса айниқса кўпроқ ҳаракат қилаётганликлари тасодифий эмас. Шу мақсад билан «миллий коммунизм» деб аталган коммунистиқ ва ишчи партияларнинг бирлигини бузишга қаратилган сохта шиордан фойдаланилмоқда.

Будапештдаги учрашув тинчлик ва социализм иши учун катта аҳамиятга эгадир, чунки у социалистик мамлакатларни жипслаштиришга, коммунистик партиялар бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Болгария, Венгрия, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистик ва ишчи партияларининг ҳамда ҳукуматларининг вакиллари ўз мамлакатларидаги ҳамда бутун социалистик лагердаги аҳволга баҳо беришга катта эътибор бердилар.

Болгария, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия, шунингдек барча социалистик мамлакатлар социализм ва коммунизм қуриш ишида янги катта муваффақиятларга эришганликлари мамнуният билан қайд қилинди. Венгриянинг халқ хўжалиги социалистик йўлдан муваффақиятли суратда ривожланиб борган эди. Аммо, контрреволюцион кучларнинг хуружи ана шу тараққиётга халақит берди. Контрреволюция бостирилганидан кейин ҳозирги вақтда Венгриянинг социалистик экономикаси ўз суръатларини дадил тезлаштирмоқда ва юксалиш йўлидан бормоқда.

Будапештдаги учрашув қатнашчиларининг якдиллик билан чиқарган хулосалари муҳим принципиал аҳамиятга эгадир. Улар якдиллик билан шундай хулосага келдиларки, халқ демократик тузумни ва венгер халқи эришган социалистик ғалабаларни тугатиш йўлидаги уринишларга Венгрия меҳнаткашлари Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раҳбарлиги остида ва совет қўшинларининг ёрдами туфайли зўр ғайрат билан зарба бердилар, Венгрияда фашист диктатурасини ўрнатиш хавфи йўқотилди, ички контрреволюциянинг ва агрессив империалистик давлатларнинг Венгрияни Европада янги урушнинг хавфли ўчоғига айлантиришдан иборат қора ниятлари барбод этилди, империалистик доираларнинг социалистик лагердаги бирликка путур етказиш йўлидаги уринишларига қатъий зарба берилди.

Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг энг муҳим вазифалар тўғрисида бугун «Правда»да эълон қилинаётган баёнотида ҳам Венгриядаги воқиалар синфий, марксча-ленинча анализ қилиб берилди. Бу баёнот пролетариат диктатураси функциясини бажараётган давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва янада демократлаштиришнинг кенгайтирилган программасини, экономикани тиклаш ва янада ривожлантириш, шунингдек аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш соҳасидаги актуал вазифаларни ҳал қилиш программасини ўз ичига олади.

Венгрия социалистик ишчи партиясининг сафларида ҳозирги вақтда юз мингдан кўпроқ киши борлиги ва у мустаҳкамланиб бораётганлиги халқ Венгриясининг социализм йўлидан ишонч билан бораётганлигини таъминловчи гарантиядир. Корхоналарда ва муассасаларда, қишлоқларда ва ўқув юртларида партия ташкилотлари қайтадан тикланмоқда. Партия халқ демократик тузумни мустаҳкамламоқ учун, Венгрияда социализм қуриш учун, социалистик лагердаги ҳамма мамлакатлар билан мустаҳкам дўстона алоқаларни ривожлантирмоқ учун куч ва ғайрат сарфламоқда.

Венгрия меҳнаткашлари реакцияга қарши кураш олиб боришда социалистик лагерь мамлакатларининг ёрдамига ва мададига таяндилар ва таянмоқдалар. Болгария, Руминия, СССР ва Чехословакия вакиллари венгриялик ўртоқларни ишонтириб айтдилар, ўз мамлакатларининг халқлари халқ-демократик давлатни мустаҳкамлашда, бу давлатнинг мустаҳкиллигини ва хавфсизлигини агрессив империалистик кучлар томонидан бўладиган ҳамлалардан муҳофаза қилишни таъминлашда Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматига ва Венгрия социалистик ишчи партиясига ҳар томонлама ёрдам берадилар ва уларни қўллаб-қувватлайдилар.

Социалистик лагерь мамлакатларининг ўзаро муносабатлари барча халқларнинг тенгҳуқуқлилиги ва манфаатларини ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликдан иборат ленинча принципларга, пролетар интернационализми принципларига риоя қилиш асосига қурилмоқда. Будапештдаги учрашувда якдиллик билан шундай фикрга келиндики, Совет ҳукуматининг 1956 йил 30 октябрдаги Декларацияси бунга тўла равишда мос бўлиб тушади. Декларациядаги қоидалар социалистик давлатларнинг ўзаро муносабатлари практикасида муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда, бу эса социалистик лагерни янада жипслаштиришга, социализм мамлакатларидаги хўжалик ва маданий қурилишни янада юксалтиришга, бу мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳамда уларнинг бир-бирларига қардошларча кўмаклашувини кучайтиришга ёрдам беради.

Будапештда халқаро аҳволнинг актуал масалалари устида фикрлашиб олинди. Бу фикрлашиш социалистик мамлакатларнинг тинчлик йўлидаги кураши учун катта аҳамиятга эгадир. Учрашув қатнашчилари шу нарсани қайд қилдиларки, кейинги вақтларда халқаро вазиятдаги кескинлик анча кучайди. Бу кескинлик дунёни «совуқ муносабатлар уруши»га қайтаришга интилаётган Ғарб давлатлари агрессив доираларининг ҳаракатлари сабабли кучайтирилди. Англия-Франция-Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессияси, шунингдек империалистик давлатларнинг Венгриядаги ҳаракатлари буни исбот қилади.

Социалистик давлатлар халқлар ўртасида тинчлик ишини доим қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, «совуқ муносабатлар уруши»га қайтишга йўл қўймаслик учун бутун кучларини сарф қиладилар. Улар агрессив доираларнинг халқаро вазиятни янада кескинлаштиришга, зўр бериб қуролланишни кучайтиришга, уруш васвасасини авж олдиришга қаратилган уринишларини барбод этмоқ учун социалистик тузумнинг кучларидан ва ўз таъсирларидан фойдаланишга қатъий қарор бергандирлар. Улар давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва халқларнинг чинакам хавфсизлигини таъминлаш имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилмаётганлигини яхши биладилар.

Социалистик лагерь — бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчидир. Социалистик мамлакатларнинг бирлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, бутун дунёда тинчлик ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Социалистик лагерни қақшатишга ва бўшаштиришга қаратилган ҳамма уринишларга зарба бериб социалистик мамлакатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш — тинчликни ҳимоя қилувчиларнинг позицияларини уруш ловини ёқувчилар киролмайдиган қалъага айлантириш демакдир, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига улуғ ҳисса қўшиш демакдир.

(«ПРАВДА», 7 январь).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказадиган сайлов округлари тузиш тўғрисида

*Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қарори**

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК РАЙОНИ

213-Верхне-волинск сайлов округи (Маркази — Верхне-Волинское қишлоғи, Советлар уйи) чегараси: Верхне-Волинское қишлоғи, Верхне-Волинский қишлоқ советидаги «Красний Октябрь», «Победа» колхозлари ва Шўрўзак қишлоқ советидаги Свердлов номли колхоз.

214-Сталинобод сайлов округи (Маркази — Обетованное қишлоғи, қишлоқ Советининг биноси) чегараси: Сталинобод қишлоқ совети ва Шўрўзак қишлоқ советидаги Калинин номли, Маленков номли ва Жданов номли колхозлар.

215-Чкалов сайлов округи (Маркази — Куйбишев номли колхоз посёлкаси) чегараси: Чкалов қишлоқ совети ва Верхне-Волинский қишлоқ советидаги Максим Горький номли колхоз.

МИРЗАЧЎЛ ШАҲРИ

216-Мирзачўл шаҳар сайлов округи (Маркази — Ўзбекистон ЛКСМ район комитетининг биноси) чегараси: шимол томондан темир йўл линияси пакгаузидан Пушкин кўчаси бўйлаб 2-Линия кўчасигача, 2-Линия кўчаси бўйлаб Коминтерн кўчасигача, Коминтерн кўчаси бўйлаб Киров номидаги каналгача, Киров номидаги канал бўйлаб К-3 каналигача, К-3 каналининг оқими бўйлаб темир йўл линиясигача, темир йўл линиясининг ғарбий томони бўйлаб темир йўл линияси пакгаузигача.

217-Пахта заводи сайлов округи (Маркази — пахта заводи идорасининг биноси) чегараси: шимол томондан Гутап участкасидан жануб томон «Правда Востока» кўчасигача, «Правда Востока» кўчаси бўйлаб 2-Линия кўчасигача, 2-Линия кўчаси бўйлаб Пушкин кўчасигача, Пушкин кўчаси бўйлаб ғарб томон темир йўл линияси пакгаузининг шимолий томони бўйлаб Калинин кўчасигача, жануб томон Калинин кўчаси бўйлаб К-3 каналигача, К-3 каналининг оқими бўйлаб «Первомаец» совхози чегарасигача, К-3 каналидан шимол томон «Первомаец» совхози ва Охунбобоев номли колхоз чегараси бўйлаб Исторический водосбросгача, Исторический водосбросдан шимол томондан Гутап участкасигача ва шаҳар касалхонасининг шаҳарчаси.

МИРЗАЧУЛ РАЙОНИ

218-Ленин сайлов округи (Маркази — Улуғобод қишлоғи, қишлоқ Советининг биноси) чегараси: Ленин қишлоқ совети.

219-Меҳнатобод сайлов округи (Маркази — Пролетарское қишлоғи, қишлоқ Совети биноси) чегараси: Меҳнатобод ва Янгиовул қишлоқ советлари.

220-Оржоникидзе сайлов округи (Маркази — Жувонсариқ қишлоғи, Оржоникидзе қишлоқ Советининг биноси) чегараси: Оржоникидзе ва Деҳқонобод қишлоқ советлари.

221-Октябрь сайлов округи (Маркази — Спасское қишлоғи, қишлоқ Советининг биноси) чегараси: Октябрь қишлоқ совети.

ГУЛИСТОН РАЙОНИ

222-Гулистон сайлов округи (Маркази — Крестьянское қишлоғи, Советлар уйининг биноси) чегараси: Крестьянский қишлоқ совети ва Қизилобод қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз.

223-Красноармейский сайлов округи (Маркази — Красноармейское қишлоғи, «Красная заря» колхози правлениесининг биноси) чегараси: Красноармейский қишлоқ совети ва Сталинобод қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхоз.

224-Сталинобод сайлов округи (Маркази — Молотов номли колхоз посёлкаси, Молотов номли колхоз правлениесининг биноси) чегараси: Сталинобод қишлоқ совети (Хрушчев номли колхоз бу ҳисобга кирмайди) ва Қизилобод қишлоқ совети (Карл Маркс номли колхоз бу ҳисобга кирмайди).

БЕКОБОД ШАҲРИ

225-Металлургический сайлов округи (Маркази — В. И. Ленин номидаги металлургия заводи клуби) чегараси: Ўзбекистон кўчасининг чап томони, Свердлов, Сталин, Хоз-Яс, Наманган, Кўқон, Сталинград, Самарқанд, Андижон, Металлургическая, 2-Сирдарьинская, Набережная, Коммунистическая кўчалари, Фарҳод ГЭСи плотинасининг ўнг ва чап қирғоғи, Хильково цемент заводи кон цехининг шаҳарчаси, Ширинсой.

226-Строительний сайлов округи (Маркази — А. Навоий номли 9-мактаб биноси) чегараси: Ўзбекистон кўчасининг ўнг томони, Сирдарьинская, Жданов, Спортивная, Островский, Тошкент, Прокатная, Мартеновская, Алишер Навоий, Железнодорожная, Максим Горький, Далварзин, Муқимий, Гоголь, Чехов, Литейная кўчалари, Индивидуальний посёлкаси, 3-Далварзин бошқармаси.

227-Бекобод шаҳар сайлов округи (Маркази — М. Ломоносов номли 10-мактаб биноси) чегараси: Комсомольская, Колхозная кўчаларининг бошдан-оёғи, Октябрьская кўчасининг Киров кўчаси билан учрашган жойидан то охиригача, Садовая, Пионерская, Первомайская, Запорожье, Котовский, Гулистон, Тельман, Мичурин, Кутузов кўчалари, собиқ гишт заводининг уйлари, Гидрометрия, индивидуал уй-жойлар массиви.

228-Фарҳод сайлов округи (Маркази — Фарҳод ГЭС клуби) чегараси: Фархадская, Киров, Пушкин, Рабочая кўчалари, Рабочий переулоги, Карьерная, Пролетарская, Заводская, Октябрьская кўчалари (Октябрьская кўчасининг Хильково станциясидан Киров кўчаси билан учрашган жойгача), Хильково станцияси, Фарҳод ГЭС шаҳарчаси, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари, ўрмон хўжалиги шаҳарчаси.

229-Цемент заводи сайлов округи (Маркази — Хильково цемент заводи клуби) чегараси: цемент заводининг социалистик шаҳарчаси, асботруба заводининг социалистик шаҳарчаси, Завокзальная, Чапаев, Физкультурная, А. Матросов кўчалари, Чапаевский, Физкультурний переулоклари, нефть базаси территорияси, экскаватор станцияси.

БЕКОБОД РАЙОНИ

230-Бекобод сайлов округи (Маркази—Бекобод қишлоғи, Молотов номли колхоз правлениесининг биноси) чегараси: Бекобод, Қиёт, Тақачи қишлоқ советлари.

231-Пушкин сайлов округи (Маркази— Сретенское қишлоғи, Дзержинский номли колхоз клуби) чегараси: Пушкин қишлоқ совети.

232-Калинин сайлов округи (Маркази—Жумабозор қишлоғи, Калинин номли қишлоқ советининг биноси) чегараси: Калинин қишлоқ совети.

233-Димитров сайлов округи (Маркази—2-«Далварзин» совхози, совхоз дирекциясининг биноси) чегараси: 2-«Далварзин» пахта совхози, Димитров ва Молотов қишлоқ советлари.

234-Далварзин сайлов округи (Маркази—1-«Далварзин» совхоз идораси) чегараси: 1-«Далварзин» совхози.

235-Қорақўйлиқ сайлов округи (Маркази—Чаноқ қишлоғи, Қорақўйлиқ қишлоқ Советининг биноси) чегараси: Қорақўйлиқ қишлоқ совети.

ХОВОС РАЙОНИ

236-Ховос сайлов округи (Маркази—«XIX партсъезд» колхози правлениесининг биноси) чегараси: Ховос, Охунбобоев ва Хўжамушкент қишлоқ советлари.

237-Деповский сайлов округи (Маркази— Урсатьевская станцияси депосининг қизил бурчаги) чегараси: Стаханов, Деповская кўчалари, Уратепа шоссеси, Проектная кўчаси, Западний, Восточний, 62, Шабский темир йўл разъездлари ва ишчиларнинг казармалари.

238-Клубний сайлов округи (Маркази—Шумилов номли темир йўл клубининг биноси) чегараси: Привокзальная, Гоголь, Энгельс, Куйбишев, Клубная кўчалари, Сталин кўчасининг вокзалдан ШЧгача бўлган қисми, Каганович кўчасининг ўнг томони, Фрунзе, Киров, Новая кўчалари, Заготзерно тупиги, ПЧСТР-2, Ворошилов, Роза Люксембург, Чапаев, Пушкин ва Охунбобоев кўчалари.

239-Марказий сайлов округи (Маркази—Район маданият уйи биноси) чегараси: Каганович кўчасининг чап томони, 3-Черняев, Некрасов, Левановский, Будённий кўчалари, Сталин кўчасининг 94-аптекадан бошланган қисми, Тарас Шевченко, Октябрьская, Локомотивная кўчалари, Новий тупиги, Островский, Ленин Обводная, Жданов, Карл Маркс, Шумилов, Лермонтов кўчалари.

БОЁВУТ РАЙОНИ

240-Димитров сайлов округи (Маркази — Жданов номли колхоз правлениесининг биноси) чегараси: Крупская қишлоқ совети, Жданов номли колхоз ва Димитров қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхознинг 1-участкаси.

241-Ленин сайлов округи (Маркази — Ленин номли колхоз правлениесининг биноси) чегараси: Усмонов қишлоқ совети, Димитров қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз (колхознинг 1-участкаси бу ҳисобга кирмайди), «Фарҳод» ва «Дружба» совхозлари.

242-Биринчи Боёвут сайлов округи (Маркази — 1-«Боёвут» совхози марказий бўлимининг биноси) чегараси: 1-«Боёвут» совхозининг 2, 3, 4 ва 5-бўлимлари.

243-Иккинчи Боёвут сайлов округи (Маркази — 1-«Боёвут совхози 8-бўлимининг биноси) чегараси: 1-«Боёвут» совхозининг 1, 6, 7, 8 ва 9-бўлимлари, шунингдек машина-экскаватор станцияси.

244-Учинчи Боёвут сайлов округи (Маркази — 3-«Боёвут» совхози марказий бўлимининг биноси) чегараси: 3-«Боёвут» совхози.

245-Тўртинчи Боёвут сайлов округи (Маркази — 4-«Боёвут» совхози марказий бўлимининг биноси) чегараси: 4-«Боёвут» совхози.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси. Ф. ХУЖАЕВ.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари Ҳ. ҚОБИЛОВ.

*Боши газетамизнинг 4 ва 6 январь сонларида.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советларига сайлов ўтказадиган район сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш тўғрисида

*Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қарори**

17. ПИСКЕНТ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Юсуп **Муҳамедов** — район халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари Василий Петрович **Иванов** — Пискент пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчиларидан.

Комиссия секретари Лидия Андреевна **Губина** — медицина ходимлари касаба союзи район комитетидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Зулфия **Бобожонова** — маориф ходимлари касаба союзи район комитетидан.

Раҳим **Дадабоев** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Алексей Павлович **Берников** — Пискент бирлашган ҳарбий комиссарлиги офицерлари ва ихтиёрий хизматдаги ходимлари составидан.

Қамбархон **Ғафурова** — молия-банка ходимлари касаба союзидан.

Мамадали **Сафарматов** — Пискент қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз аъзоларидан.

Знабуш **Мирзаҳакимова** — Жданов номли колхоз аъзоларидан.

18. УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Одил **Файзиев** — маориф ходимлари касаба союзи ташкилотидан.

Раис ўринбосари Семён Степанович **Ковешников** — район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Надежда Петровна **Катаева** — молия-банка ходимлари касаба союзи район ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Раҳим **Эргашев** — савдо ва умумий овқатланиш ходимлари район касаба союзи ташкилотидан.

Кашфи Хусаинович **Тухфатуллин** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзи район ташкилотидан.

Раъно **Рустамова** — Ленин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

Ҳатам Қосимович **Боқижонов** — медицина ходимлари район касаба союз ташкилотидан.

Римма Сергеевна **Лесун**— Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи плавик-шпат комбинати ташкилоти йиғилишидан.

Меҳри **Салаева** — Каганович номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

19. СИРДАРЁ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Турдибой **Мадаминов** — район коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Тоҳира **Шояҳмедова** — Охунбобоев номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

Комиссия секретари Виктор Емельянович **Ляшенко** — Ўзбекистон экскаватор прораблиги ходимлари коллективидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Олим **Одилов** — район медицина ходимлари касаба союзи ташкилотидан.

Аҳад **Шокиров** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Бозор **Момонов** — «XVIII партконференция» колхози аъзоларидан.

Роза Саидовна **Комилова** — район халқ маорифи бўлими ходимлари йиғилишидан.

Собир **Худойбергенов** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Санем **Жумабоева** — район коммунистик партия ташкилотидан.

20. ТОШКЕНТ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Ҳаким **Зарипов** — район соғлиқни сақлаш бўлими ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Елизавета Михайловна **Евдокимова** — район саноат комбинати ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Комиссия секретари Тамара Петровна **Попова** — давлат муассасалари ходимлари касаба союзи район ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Борис Павлович **Обуянчиков** — район коммунистик партия ташкилотидан.

Собир **Назиров** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Шомил **Юсупов** — давлат муассасалари ходимлари касаба союзи район ташкилотидан.

Марҳамат **Абдуллаева** — Охунбобоев қишлоқ совети ходимлари коллективидан.

Саодат **Ҳинматова** — Сталин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

Орип **Иброҳимов** — Тошкент 1-машина-трактор станцияси ишчи ва хизматчиларидан.

21. УРТАСАРОЙ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Борис Михайлович **Ким** — район коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Шапоат **Нурматова** — 1- мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Комиссия секретари Александр Александрович **Белов** — Ўзбекистон шоли тажриба станцияси касаба союз ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Абдуғаффор **Пирмуҳамедов**—район коммунистик партия ташкилотидан.

Алексей Семенович **Ли** — 1- машина-трактор станцияси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Алла Карловна **Эйдус** — район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари йиғилишидан.

Мария **Раҳимова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

22. ХОВОС РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Алексей Тимофеевич **Вовняков** — Тошкент темир йўли Урсатьевск бўлими касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари Марфуга Хўзиевна **Гадельшина** — район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Расулберди **Бобожонов** — район халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Карима **Каримова** — Тошкент темир йўли Урсатьевск узели медицина ходимлари коллективидан.

Мария Ивановна **Балакшина** — алоқа дистанцияси ходимлари коллективидан.

Василий Андреевич **Луканин** — Тошкент темир йўли Урсатьевск станцияси ходимлари коллективидан.

Бахмал **Курбонбоева** — 6- тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Эшонқул **Курбонов** — Охунбобоев номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

Людмила Леонидовна **Филимонова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Ховос район ташкилотидан.

23. ЧИНОЗ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Манноп **Саматов** — медицина ходимлари район касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари Маргарита Васильевна **Гришина** — маориф ходимлари район касаба союзи ташкилотидан.

Комиссия секретари Мирза **Умаров** — район газета редакцияси ишчи ва хизматчилари коллективидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Юсуп **Рустамов** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Адгам Аҳкамович **Жданов**—район маданият ходимлари касаба союз ташкилотидан.

Акмаил **Нурушева** — район матлубот кооперацияси ходимлари коллективидан.

Турсуной **Қудратова** — Оржоникидзе номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

Маҳбуба **Матғазиева** — Чиноз пахта тозалаш заводи ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимлари коллективидан.

Ҳомид **Маликов** — Сталин номли колхоз аъзоларидан.

24. ЯНГИЙЎЛ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Исоқ **Тўйчиев** — Ленин номли 7- мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Раис ўринбосари Азизулла Султонович **Гиззатуллаев** — 1- машина-трактор станцияси коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Феодора Ивановна **Киценко** — 1- машина-трактор станцияси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Абдусаттор **Қуролбоев** — Фрунзе номли колхоз аъзоларидан.

Икром **Иброҳимов** — 2- машина-трактор станцияси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Шарапат **Баҳритдинова**—Сталин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

Мария Викторовна **Архарова** — Янгийўл район ижроия комитети ходимлари коллективидан.

Рабига **Камолова** — район халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

Фозилбой **Хусанбоев** — Ленин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

25. ОЛМАЛИҚ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Боту **Қодиров** комбинат ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари Александр Иванович **Соловьев** — комбинатнинг озиқ-овқат таъминоти ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Комиссия секретари Анна Васильевна **Хен** — комбинат ишчи ва хизматчилари коллективидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Мустафо Алимович **Алимов**—Олмалиқ шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Надежда Дмитриевна **Кузнецова** — Сталин номли мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Моҳира Умаровна **Мунаварова** — шаҳар прокуратураси ходимлари коллективидан.

Иван Михайлович **Решетников** — шаҳар 1-қурилиш бошқармаси ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Тамара Аркадьевна **Волохвянская** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг шаҳар ижроия комитети ташкилотидан.

Александр Степанович **Подопригора** — кон ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Пўлат **Мухторова** шаҳар медицина ходимлари коллективидан.

Николай Дмитриевич **Курамшин** — давлат геодезия қидирув партиясидан.

26. ОҲАНГАРОН ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Павел Кононович **Савченко** — «Ўзбекуголь» трести ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари Исоқ Рашидович **Муллажонов** — шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Людмила Васильевна **Ковалева** — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи шаҳар ташкилотидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Нина Владимировна **Матросова** — 9-ўрта мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Иван Дмитриевич **Братерский** — 9-шахта ходимлари коллективидан.

Мунаида **Рамозонов** — кўмир разреза коллективидан.

Наима **Содиқова** — «Ўзбекуголь» трести медицина-санитария бўлими ходимлари коллективидан.

Мария Никоноровна **Маковская**— юк ортиш транспорт бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Клавдия Емельяновна **Рамме** — «Ўзбекуголь» трести касаба союз ташкилоти йиғилишидан.

27. БЕКОБОД ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Фозилбек Нўғманович **Нурғалиев** — Ўзбекистон металлургия заводи коммунистик партий ташкилотидан.

Раис ўринбосари Мирза **Маннонов** — шаҳар газетаси редакцияси ва босмахонаси ходимлари коллективидан.

Комиссия секретари Антонида Ивановна **Федотова** — давлат муассаслари ходимлари касаба союз шаҳар ташкилотидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Александр Григорьевич **Саленек** — Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Иван Михайлович **Паршин** — цемент заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Саид **Нуриддинов** — Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехи касаба союз ташкилотидан.

Воҳид **Носиров** — 704-УНР коммунистик партия ташкилотидан.

Ислом **Остоноқулов** — пахта заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Анна Алексеевна **Бабкина** — Хилково цемент заводи касаба союз ташкилотидан.

Александра Васильевна **Камишанова** — Фарҳод ГЭС ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Анор **Холматова** — Ленин номли 3-мактаб комсомол ташкилотидан.

28. МИРЗАЧЎЛ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Зоирхон Топилович **Аҳмедов** — шаҳар ҳарбий комиссарлиги коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Нури Ҳабибраҳмонович **Шарофутдинов** — 2-механизация билим юрти ўқитувчилари ва ўқувчилари коллективидан.

Комиссия секретари Ольга Остаповна **Ерошенко** — давлат муассасалари ходимлари касаба союзи шаҳар ташкилотидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Қодирқул **Маманбоев** — «Заготскот» ходимлари коллективидан.

Жалил **Жўраев** — шаҳар медицина ходимлари коллективидан.

Галина Васильевна **Панина** — 2-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Мария Николаевна **Борисова** — 3-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Ксения Иосифовна **Исаева** — шаҳар медицина ходимлари касаба союз ташкилоти йиғилишидан.

Матлуба Миртожиевна **Мирқамолова** — молия-банка ходимлари коммунистик партия ташкилотидан.

29. ЧИРЧИҚ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Карим Маяқубович **Маяқубов** — шаҳар халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари Леонид Алексеевич **Семенов** — «Средазхиммаш» заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Тамара Варламовна **Кабаладзе** — шаҳар ижроия комитети ходимлари коллективидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Андрей Александрович **Сучков** — Чирчиқ шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Иброҳим **Мусаев** — «Чирчиксельмаш» заводининг 3-цехи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Любовь Антиповна **Чайкина** — тикув фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Кимсаной **Саримсоқова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Сталин номли Чирчиқ электр химия комбинатининг цех ташкилотидан.

Қумри **Қобулова** — медицина билим юрти педагоглари ва студентлари коллективидан.

Борис Иванович **Матюнин** — Тошкент танкчилар мактаби ҳарбий хизматчиларидан.

Эмма Александровна **Каткова** — «Средазхиммаш» заводининг конструкторлик бюроси инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Омон Илёсович **Илёсов** — Сталин номли электрохимия комбинати 3-цех ходимлари коллективидан.

30. ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Виктор Андреевич **Душин** — 32-қурилиш-монтаж бошқармаси трести коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Марям **Убаева** — Янгийўл марказий омонат кассаси ходимлари коллективидан.

Михаил Васильевич **Приёмишев**—кинотеатр касаба союз ташкилотидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Раҳима **Дўсматова** — область болалар кутубхонаси ходимлари коллективидан.

Нина Демьяновна **Михова** — шаҳар бозори ходимлари коллективидан.

Каромат **Абдураҳмонова** — Навоий номидаги мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Ирина Ефимовна **Кобец** — консерва заводи касаба союз ташкилотидан.

Елена Михайловна **Бризгалова** — пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Клавдия Дмитриевна **Чернова** — молия-банка ходимлари коллективи йиғилишидан.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси. Ф. ХУЖАЕВ.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари. Ҳ. ҚОБИЛОВ.

1957 йил 4 январь.
Тошкент шаҳри.

*Боши газетамизнинг 6 январь сонида.

Халқ ишончини оқлаётган депутатлар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезди қарорларида қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш вазифаси қўйилган. Янгийўл районидаги Калинин қишлоқ советининг меҳнаткашлари бу муҳим вазифани бажаришга маҳкам белн боғлаганлар, улар пахтачилик ва жамоат чорвачилигини комплекс ривожлантиришда дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Калинин қишлоқ советига қарашли Маленков номли ва Ворошилов номли колхозлар 1465 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 1955 йилда 30,1 центнердан ҳосил олган бўлса, 1956 йили гектаридан қарийб 34 центнердан ҳосил олди. Чорвачиликнинг ҳамма турлари бўйича план ортиғи билан бажарилди. Бу ютуқларга эришишда депутатларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Қишлоқ советининг 35 депутати бўлиб, улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида олдинги сафда бормоқдалар. Икки колхоз раиси ва партия ташкилотининг секретарлари, 14 та бригада ва кўпгина звено бошлиқлари қишлоқ советининг депутатидирлар. Буларнинг ҳаммаси пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Масалан, Ворошилов номли колхознинг депутат Холдор Қўчқоров бошчилигидаги бригада аъзолари 74 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан, Баҳриниса Нурматова бошчилигидаги бригада аъзолари 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,6 центнердан, Шаҳри Насивалиева бошчилигидаги звено аъзолари 23 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан, Маленков номли колхознинг депутат Мирзааҳмат Ғозибоев бошчилигидаги бригада аъзолари ва звено бошлиғи Сафаргул Ариқбоевалар ҳам юқори ҳосил олдилар. Депутатлар пахта теримида ҳам намуна кўрсатиб ишладилар. Депутатлардан Зайна Айдашева ва Карим Эгамбердиев ўртоқлар 10 тоннадан пахта тердилар.

Депутатлар сайловчилар билан яқиндан алоқа боғлаб, халқ ишончини оқламоқдалар. Маленков номли колхоз партия ташкилотининг секретари, Калинин қишлоқ Советининг депутати Ўртоқ Абдураҳмонов колхоз аъзоларининг наказларини доим бажариб келади. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар Абдураҳмоновни ҳурмат қиладилар ва уни ғамхўр киши деб биладилар. Абдураҳмонов сайловчиларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида ҳал қилади, улар билан тез-тез учрашиб, ўз фаолияти ва қишлоқ Советининг иши тўғрисида ҳисоб бериб туради. У ҳар бир ишни ижодий равишда ҳал этади.

Механизациялаштирилган ва 50 сигирга мўлжалланган молхона, автогараж, ғалла омбори, ҳаммом, 6 хонали меҳмонхона, 2 та янги кўприк, 20 дан ортиқ уй ва бошқа қурилишлар Маленков номли колхоз қишлоғини янада кўркам ва обод қилиб турибди.

Колхоз давлатга сут, гўшт, жун топшириш планларини ортиғи билан бажариб, «ГАЗ-51» юк машинаси сотиб олди.

Бир йил ичида пахта ҳосили 5 центнер, картошка - сабзавот ҳосили 150 процент ошди. Агар Маленков номли колхоз 1955 йили ҳар бир соғин сигирдан 1200 килограммдан сут соғиб олган бўлса, ўтган йили 1800 килограммдан сут соғиб олинди. Бу ишларни бажаришда депутатларнинг ҳам хизмати катта.

Яқинда 22- сонли Маленков номли етти йиллик мактабдан 7 ўқувчининг дарсларга тўла қатнашмай, прогул қилаётганликлари ҳақида мактаб директори Ўртоқ Каримов депутат Абдураҳмоновга мурожаат қилди. Абдураҳмонов ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказиб, уларни мактабга узлуксиз қатнайдиган қилишга ёрдам берди.

Депутатлар қишлоқ Советининг депутатлар хонасида рўйхат бўйича белгиланган вақтда сайловчиларни қабул қилиб, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқадилар. Ўтган йил Калинин қишлоқ совети меҳнаткашларининг наказлари бўйича сельмаг ва магазин, 40 ўринли касалхона, 10 ўринли туғруқхона ва 10 йиллик ўрта мактаб биноси қурилди, Киров ва «Правда» участкаларига борадиган 8 километрли йўлга шағал ётқизилди, 49 хўжалик якка тартибда уй қуриб олди.

Шуни ҳам айтиш керакки, депутатлар колхозчилар ўртасида системали равишда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Айниқса, Азимбоева, Азимов ўртоқлар бу соҳада намунали иш қилмоқдалар.

Ҳ. ЭРАЛИЕВ.

*Боши газетамизнинг 6 январь сонида.

Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг муҳим вазифалар тўғрисидаги баёноти

БУДАПЕШТ, 6 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг муҳим вазифалар тўғрисидаги баёноти эълон қилинди. Бу баёнотда бундай дейилади:

«4 ноябрда контрреволюция кучларига қарши курашда ҳал қилувчи давр бошланди. Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати барпо қилинди. Ҳукумат ўз фаолиятини оғир шароитда бошлади.

Имре Надь ҳукуматининг қилган хоинлиги ўша кунларда социалистик революциянинг содиқ ўғилларини ва қизларини йиртқичларча ўлдириб турган, тинч гражданларга, уларнинг ҳаёти ва мулкига таҳдид солиб турган ва мамлакатимиздаги ҳаётни издан чиқариб юборган контрреволюцияга йўл очиб берди. Контрреволюцион кучлар Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматини ағдариб ташлаб, халқаро империализмнинг йирик капиталига боғлиқ бўлган ва унинг мададига таянадиган фашист помещчик-капиталистик давлат тузмоқчи бўлган эдилар. Улар империалистик кучларга таяниб ватанимиз территориясида уруш ўчоғи вужудга келтирмоқчи бўлган эдилар.

Шундай шароитда ҳукуматнинг асосий вазифаси Венгрия Халқ Республикасида қонуний тартибни таъминлашдан, социалистик революциянинг талабаларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Контрреволюциянинг қуролли кучларини тор-мор қилиш, унинг сиёсий атакаларини ва ғояларини даф қилиш, қонуний тартибни тиклаш керак эди. Нормал турмуш шароити, тинч ижодий ишлаш учун шароит вужудга келтириш кёрак эди.

Ҳукумат бу ғоят муҳим вазифани муваффақият билан бажарди. Контрреволюциянинг асосий қуролли кучларини бир неча кун ичида тор-мор келтирдик, уларнинг қолдиқларини эса тугатмоқдамиз. Бу ишда Совет Армияси томонидан шартнома мажбуриятлари ва пролетар интернационализмининг принциплари асосида катта ёрдам кўрсатилди, сўнгра бу иш билан янги венгер армияси ва ҳарбий-полиция кучлари венгер меҳнаткашларининг ёрдамига таяниб шуғулланди.

Ҳукуматнинг мамлакат иқтисодий ҳаётини ва ишлаб чиқаришни тиклашга қаратилган тадбирларини фош қилинган контрреволюцияга қарши курашаётган ишчи ва деҳқонлар оммаси, шунингдек халққа фақат сўздагина эмас, балки амалда ҳам содиқ бўлган интеллигенциянинг энг онгли табақалари кундан-кунга, ҳафта сайин тобора кўпроқ қўллабқувватлаб турди. Социалистик лагерь ҳукуматлари ва халқларининг, шунингдек бутун дунёдаги прогрессив ва революцион кучларнинг халқимизга кўрсатган сиёсий ва иқтисодий ёрдами жуда бебаҳо ёрдам бўлди.

Табиийдирки, контрреволюция ва унинг хўжайини — халқаро империализм — Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг чиқишларини ва фаолиятини ниҳоят даражада ғазаб ва нафрат билан кутиб олди. Уларнинг ғазабланишига ва нафратига сабаб шу бўлдики, бизнинг ҳукуматимиз помещиклар ва капиталистлар, шунингдек доллар империалистларининг ҳам ҳукумати бўлмасдан, балки социалистик революция, ишчи ва деҳқонлар ҳукуматидир, **пролетариат диктатураси ҳукуматидир.** Қуролли курашда маглубиятга учраган контрреволюционерлар бизнинг ҳукуматимиздан лўттибозлик билан «демократия ва эркинлик» талаб қила бошладилар. Биз бу масалада ҳам аниқ ва равшан қилиб: Венгрияда пролетариат диктатураси яшаб келмоқда, дедик. Бизнинг ҳукуматимиз, бизнинг халқимиз контрреволюция ва империализм кучларига қарши ошкора ва изчил кураш олиб бориш йўли билангина муваффақиятларга эриша олур эдилар. Венгрия Ишчи-Деҳқон давлатида пролетариат диктатураси, демократия ва эркинлик ишчиларники, меҳнаткаш деҳқонларники, халққа содиқ бўлган интеллигенцияники, қонунларни ҳурматловчи барча венгер гражданларниникидир. Контрреволюционерлар ва империалистларнинг агентлари учун, Венгрия Халқ Республикасининг қонуний тузумига ва унинг асосий муассасаларига ҳужум қилаётган унсурлар учун ҳамда гарчи ўзларининг контрреволюцион ҳаракатларини демократик шиорлар билан ниқоблаётган бўлсалар, лекин Венгрия Халқ Демократик Республикасига қарши иш олиб боришга ундаётган унсурлар учун эркинлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қонун ҳамиша уларни жуда қаттиқ жазолайверади.

Мана шуларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати ўз фаолиятида биринчи навбатда ишчилар синфига ва умуман меҳнаткашлар оммасига таянади. Биз, 4 ноябрдаги баёнотимизнинг 15 моддасида ҳам айтиб ўтилганидек, ватанимиз олдида турган асосий масалаларни Венгрия Халқ Республикасининг демократиясини кучайтириш ва кенгайтириш йўли билан ҳал қилмоқчимиз. Ижтимоий ишларга раҳбарлик қилишда Ракошиги методлари тикланишига, шахсга сиғинишнинг тикланишига, омма манфаатларини назар-писанд қилмасликка энди асло йўл қўймаймиз. Ҳукуматимиз кўраётган тадбирларнинг бирдан-бир мақсади меҳнаткаш халқ билан социализмнинг айни манфаатларини ҳимоя қилишдан ва шу манфаатларга тўла хизмат қилишдан иборатдир.

Дастлабки даврда ҳукумат фаолиятининг анчагина қисми — социалистик революциянинг манфаатларига мувофиқ — ҳарбий характердаги вазифаларни ҳал қилишдан ва тартиб ўрнатишдан, империалистларнинг ватанимиз ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларини даф қилишдан, ишлаб чиқаришни ва транспортни тиклаб олишдан, шунингдек пойтахтда ҳам, бутун мамлакат территориясида ҳам қонуний тартиб ўрнатишдан иборат бўлди. Лекин давлат раҳбарлиги учун жуда қийин бўлган мана шу иш даврида ҳам биз ғоят муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиб олдик. Шу вақтгача амалга оширилиб келган мана шу тадбирлар асосида Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати ўтган ўн икки йил давомида эришилган муваффақиятларни бутун куч билан сақлаб қолиш учун қаттиқ бел боғлабгина қолмасдан шу билан бирга мамлакатимизда ўтган йиллар давомида социализм қуриш ишида бўлиб келган ва бу қурилишларга тўсқинлик қилган ҳамма хатолардан ҳам қатъий равишда алоқани узаётганлигини очиқ кўриб, бунга қаноат ҳосил қила олди. Масалан, саноат ишчилари ва шахтерларнинг иш ҳақи оширилганлиги, ишланмайдиган кунлар масаласи ҳал қилиб олинганлиги, завод ишчи кенгашлари тўғрисидаги қарор, кооперативларнинг, давлат хўжаликларининг ва машина-трактор станцияларининг мулкини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарор, давлатга мажбурият етказиб бериш, олдиндан страхование қилиб қўйиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш солиқлари, боласизлик учун олинадиган солиқ, шунингдек кўсларлар ва майда савдогарлардан ёлланма ишчи кучидан фойдаланганлик учун олинадиган алоҳида солиқ системасининг тугатилганлиги, илгари ноҳақ равишда тортиб олинган пенсиялар масаласи бартараф қилинганлиги мана шундай тадбирлардан бўлди.

Биз шу нарсани аниқ тушуниб турибмизки, бизнинг олдимизда айниқса иқтисодий соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган ҳали кўпгина мураккаб вазифалар турибди. Бироқ, Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати Халқ Республикамизда социализм қуриш омманинг жонажон ишидир, деган принципимизга содиқ бўлиб қолган ҳолда олга томон боришдан олдин, ишнинг янги босқичининг бошида ўз баёнотида энг муҳим актуал масалаларни ҳал қилиш соҳасида ўзининг қандай мулоҳазалари борлигини бутун халқ олдида айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди».

Сўнгра Баёнотда ички сиёсат соҳасидаги вазифалар конкретлаштириб айтиб ўтилади.

Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва янада демократлаштириш қисмида шу нарса кўрсатиб ўтилганки, ҳукумат социалистик типдаги халқ-демократик ишчи-деҳқон давлатининг муассасаларини ва органларини бутун куч билан ҳимоя қилиб, мустаҳкамлайберади, чунки фақат шундай давлатгина деҳқонлар билан иттифоқда бўлган ишчилар синфи ҳокимиятини, пролетариат диктатурасини ўзида гавдалантиради ҳамда Венгрияда социализм қуришни ва унинг узилкесил ғалаба қозонишини таъминлайди.

Ҳукумат, дейилади сўнгра Баёнотда, давлат системасини, бошқарув органларимизнинг ишини демократлаштиришни янада авж олдиришни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Давлат системаси шарт-шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, социалистик қурилиш вазифаларига тўла мувофиқ равишда ривожланиб бориши лозим, меҳнаткашларга давлат ишларини ҳал этишда, ўзларининг иқтисодий, маданий ва социал муносабатларини ишлаб чиқишда актив қатнашиш имкониятини бериши лозим.

Кун тартибида турган муваққат иқтисодий тадбирлар қисмида айтиладики, ҳозирги вақтда муваққат тадбирларни бартараф қилиб, тараққиётнинг тўғри йўлига чиқиб олишга имконият берадиган иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

Баёнотда бундай дейилади: ҳозирги кунда кўмир чиқаришни кўпайтириш ҳамда кўмир ва электр қуввати истеъмолини тежашнинг қаттиқ тадбирларини амалга ошириш Венгрия экономикасининг асосий масаласидир.

Ҳукумат инфляция хавфини йўқотмоқ учун ҳамма чораларни кўради. Ҳукумат давлат бошқармалари соҳасида мумкин қадар катта тежаш ишларини ўтказиш ниятидадир. Ҳукумат давлат аппаратини жиддий равишда қисқартиради.

Муваққат иқтисодий қийинчиликларни бартараф қилишнинг қатъий масаласи (буни ҳар бир меҳнаткаш очиқ-ойдин кўриши ва билиши лозим), дейилади Баёнотда, қуйидагидан иборатдир: турмушнинг асосий ўзимиз яратаётган қийматдир. Биз энг яхши сифатли товарларни ишлаб чиқариш савиясини ва техникасини ривожлантира бориш зарур. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамма меҳнаткашларнинг шахсан манфаатдор бўлиши бунинг муҳим шартидир. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг меҳнаткашлар учун очиқ тушуниладиган ва равшан бўлган шундай тартибини (масалан, маҳсулотнинг сонига ва сифатига қараб ҳақ тўлаш тартибини) ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак, токи бу тартиб кўп ва яхши товар ишлаб чиқараётган кишининг кўп иш ҳақи олишини ва, шу тариқа яхши турмуш кечиришини таъминлайдиган бўлсин.

Саноат соҳасидаги вазифаларни белгиловчи қисмида айтилганки, ҳукумат нормал ҳолатга ўтиш даври мумкин қадар қисқароқ вақтни оладиган бўлишига интилади, Венгрияда тўла равишда социализм қуришга мос бўлиб тушадиган саноатни ривожлантириш сиёсатини давом эттиришни эса ўз олдига узоқроққа мўлжалланган мақсад қилиб қўяди. Ҳукуматнинг фикрича, бутун жамиятнинг манфаатларига жуда яхши мос бўлиб тушадиган ва ишлаб чиқарувчи кучлардан энг оқилона фойдаланишга ёрдам берадиган кенг ҳажмдаги халқ хўжалик планини тайёрлаш зарур.

Илгари тайёрланиб қўйилган иккинчи беш йиллик план ўрнига ҳозирги вақтда муваққат қийинчиликларни бартараф қилмоқ учун энг яқин ойларга ва 1957 йилга мўлжалланган план тайёрлаш зарур. Сўнгра ундан кейинги давр учун, эҳтимолки уч йилга мўлжалланган янги план тайёрлаш зарур бўлади. Бу планнинг асосий вазифаси меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишдан иборат бўлиши лозим.

Ҳукумат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифаларни баён қилиб бундай дейди: ҳукумат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида жуда кўп пропорционаллик бўлишига интилади, қишлоқ хўжалигини фан муваффақиятларидан фойдаланишни кўзда тутган ҳолда уни унумдор қилиш йўлида ривожлантира беради.

Ҳукумат социалистик ижтимоий тузум барпо қилиш манфаатлари йўлида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Меҳнаткаш деҳқонлар ўз қарорлари ва тўла ихтиёрийлик принципи асосида иқтисодий бақувват, гуллаб яшнаб борадиган қишлоқ хўжалик кооперативлари тузишлари учун ҳукумат уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб туради. Ҳукумат деҳқон хўжаликларини юқори сифатли уруғликлар ва зотли чорва моллар билан таъминлаш ишида, шунингдек шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш ишида бундан буён ҳам давлат хўжаликларига катта аҳамият бераверади.

Ҳукумат машина-трактор станциялари системасини аввалгидек сақлаб қолаверади, чунки катта техника кучларига эга бўлган машина-трактор станциялари ишлаб чиқариш кооперативларига ва якка деҳқон хўжаликларига зўр ёрдам кўрсатмоқдалар.

Сўнгра ҳукумат Баёнотида савдо соҳасидаги вазифалар, хўжаликка раҳбарлик методлари, маданият тўғрисида, давлат билан черков ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гапирилади.

Ташқи сиёсат масалаларига доир қисмида бундай дейилади:

«Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати ўзининг ташқи сиёсат фаолиятида мамлакатнинг миллий мустақиллигини, суверенитетини таъминлаш ҳамда Венгрия меҳнаткаш халқининг манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутади.

Миллатнинг энг прогрессив синфи бўлган ишчилар синфи ҳамда унинг ғоявий ва сиёсий раҳбари — ишчилар синфининг революцион партияси ҳозирги вақтда ҳар қандай прогрессив ишнинг, жумладан миллат мустақиллигининг ва мамлакат суверенитетининг энг изчил намояндаси ва ҳимоячисидир. Венгер коммунистлари 1919 йилда габсбурглар монархиясидан миллий мустақил бўлишни дадил бўлиб талаб қилдилар. Венгрия коммунасини ағдармоқ учун ҳужумга юборилган империалистик армияларга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар ва 25 йил мобайнида Хортининг контрреволюцион режимига қарши қатъият билан курашиб келдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида улар гитлерчи фашист босқинчиларга қарши курашда миллий мустақиллик ва эркинлик байроғини баланд кўтардилар, кейинги ўн икки йил мобайнида эса, империалистларнинг миллий мустақиллигимизга таҳдид солиб бизнинг ишимизга аралашиш йўлидаги ҳамма уринишларини даф қилиб келдилар. Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати 4 ноябрда контрреволюцияга қарши кураш бошланганида фақат ижтимоий прогресс ва ишчилар ҳокимияти учунгина курашиб қолмасдан, шу билан бирга Венгрия миллий мустақиллигининг мустаҳкамлаш учун ҳам курашди, чунки контрреволюцион кучларни қўллаб ва қувватлаб турган империализм Венгрия миллий мустақиллигига ҳам, ишчи-деҳқон давлатининг ўзига ҳам таҳдид солиб турган эди. Ҳукумат миллий мустақиллик, ижтимоий тараққиёт ва халқимиз учун тинчликни ҳимоя қилиш манфаатларини ва социалистик Венгрия қуришни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, ўзининг ташқи сиёсатида меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлигига, Совет Иттифоқи билан ва социалистик лагернинг ҳамма мамлакатлари билан бўлган мустаҳкам иттифоққа таянади.

Шу билан бир вақтда ижтимоий тузумидан қатъий назар ҳамма мамлакатлар билан тенгҳуқуқлилик, миллий мустақиллик ва суверенитет, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик асосида тинч ва самарали алоқалар вужудга келтириш ташқи сиёсатимизнинг ҳамиша асосий принципидир.

Халқимизга ва Венгрия Халқ Республикасига душман ва ёмон ниятли доиралар Совет Иттифоқи билан бўлган бизнинг муносабатларимизни ҳам ёмон қилиб кўрсатмоққа интилмоқдалар, гарчи бу муносабатлар ўтмишда ҳам, шунингдек ҳозирги вақтда ҳам чуқур принципиал асосларга қурилган бўлишига қарамай бу муносабатларга тўҳмат ёғдирмоқдалар. Совет Иттифоқи шундай социалистик давлат бўлдики, халқимиз унинг ёрдамига таяниб иккинчи жаҳон урушининг охирида гитлерчи фашистларнинг ва хортичилар реакциясининг бўйинтуруғини ўз устидан улоқтириб ташлади ва яна ўзининг миллий мустақиллигини олишга муваффақ бўлди. Эндиликда Совет Иттифоқи яна ёрдамга келди ва бизнинг халқ республикамиз бизга қарши қилинган контрреволюцион империалистик ҳужумни Совет Иттифоқининг ёрдамига таяниб даф қилди ва жиддий хавф остида қолган миллий мустақиллигимизни сақлаб қолди.

Ҳозирги кескинлашган вазиятда Совет Армияси Венгрия территориясида туриб, венгер халқини ташқи империалистик кучларнинг қилиши мумкин бўлган ҳарбий ҳужумидан ҳимоя қилиб турибди ва шу тариқа халқимизнинг тинчликда яшашини ҳамда социалистик қурилиш ва мамлакатни яшнатиш улуғ ишига ўз кучларини бера олишини таъминлаб турибди.

Сталин умрининг охирги даврида Венгрия-Совет муносабатларида ҳал этилиши лозим бўлган ва икки қардош мамлакат ўртасида соғлом муносабатлар вужудга келишига халақит берган масалалар ҳақиқатан пайдо бўлган эди; кейинги вақтларда шу тўқинликларнинг анчагина қисмини ўзаро тўла келишув йўли билан тугатдик.

Совет-Венгрия муносабатларининг ҳозирги ва келажакдаги ҳамма масалаларини, шу жумладан совет қўшинларининг Венгрияда туриши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ҳар иккала мамлакат ҳар иккала давлат ўртасидаги дўстона қардошлик ва иттифоқчилик муносабатларига мувофиқ равишда Венгрия ва Совет ҳукуматлари ўртасида дўстона музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш ниятидадирлар. Пролетар интернационализми, тенглик, суверенитет, миллий мустақилликни ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари, яъни Совет Иттифоқининг халқ демократияси мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари тўғрисида 30 октябрдаги Декларациясида эълон қилинган принциплар, шу масалаларни ҳал қилиш учун принципиал асос бўлади. Баёнотнинг охирги қисмида ҳукумат миллатнинг прогрессив кучларини жипслашишга чақиради.

Социалистик революциянинг чин курашчилари, дейилади Баёнотда, меҳнаткаш халқимизни мустаҳкам ва бузилмас бирликка уюштириб жипслаштиришлари ва бутун мамлакатда оғишмай кураш олиб боришлари лозим! Социализм идеялари ва халқ кучлари шундай бирликда жипслашса, улар асло енгилмайди.

Биз шунга аминмизки, Ватанимизнинг содиқ ўғиллари ва қизлари социалистик Венгриянинг муқаддас ишини халқимиз дўстларини қувонтириб, мамлакатимиз душманларини куйдириб, бирлашган кучлар билан ғалабага етказадилар!

Япония Польша ва Чехословакия билан дипломатик муносабатлар ўрнатмоқчи

ПЕКИН, 7 январь. (ТАСС). Япония радиоси хабар беради. Япония ҳукумати Польша ва Чехословакия билан дипломатик муносабатларни тиклаш тўғрисида шу мамлакатлар билан музокаралар олиб бориш учун вакиллар тайинлади.

Буюк Британиядаги СССР элчихонасининг норозилик нотаси

ЛОНДОН, 6 январь. (ТАСС). Буюк Британиядаги СССР элчихонаси 3 январда Буюк Британия ташқи ишлар министрлигига қуйидаги мазмунда нота топширди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Буюк Британиядаги элчихонаси Буюк Британия территориясида ўзига «НТС» ташкилоти деб ном қўйиб олган жиноятчи унсурлар группасининг Совет Иттифоқига қарши душманлик ишлари олиб бораётганлигига ташқи ишлар министрлигининг эътиборини бир неча марта жалб қилган эди. Шу билан бирга, Буюк Британия ҳукумати мазкур ташкилотнинг фаолиятини тўхтатмоқ учун тегишли чоралар кўриш ҳақида масала қўйган эди. Шунга қарамай бу ташкилот Совет Иттифоқига нисбатан ўзининг душманчилик-қўпорувчилик фаолиятини аввалгидек давом эттириб келмоқда. Мазкур ташкилот кейинги вақтларда Англия портларига кириб-чиқаётган совет кемаларининг денгизчиларига нисбатан ўзининг алоҳида активлигини авж олдириб юборди.

Чунончи, 1956 йил декабрь ойида «Балашов» совет пароходи Лондон портининг Гренландия докида тўхтаб турганида пароход яқинидаги кўпчилик тўпланадиган жойларга рус тилида бостирилган антисовет материаллар жуда кўп миқдорда ёйиб қўйилган. Пароход келган вақтда пайдо бўлган ва сўнгра шу жойларда турган номаълум кишилар совет денгизчиларига игвогарликдан иборат саволлар бериб турганлар ва уларни жиноят қилишга ундовчи таклифлар қилганлар.

Шу каби фактлар «Сиваш» ва «Балашов» совет пароходлари яқинда Гулль (Халл) портида турган вақтда ҳам, шунингдек «Станиславский» совет пароходи Ливерпуль портида турган вақтда содир бўлган.

Мана шу портларда Совет Иттифоқига душманлик кайфиятида бўлган номаълум шахслар группаси совет денгизчиларига игвогарликдан иборат саволлар бериб ва жиноятга ундовчи таклифлар қилиб, уларнинг жиғига тега берганлар, мазкур ташкилот нашр этган ва душманлик мазмунида бўлган босма материалларни совет денгизчиларига улашиб беришга, шунингдек совет-пароходлари ичига ташлашга кўп уринганлар.

Шу ташкилот томонидан тарқатилаётган сохта «совет газеталари» ва «совет авторларининг китоблари» тариқасида нашр этилган материалларда Совет Иттифоқига қарши туҳмат гаплар ёзилган ва жиноий ишлар қилишга ундовчи таклифлар ёзилган (буни мазкур материалларнинг илова қилинган нусхаларидан кўриш мумкин).

Юқорида келтирилган фактлар Буюк Британия территориясида мазкур ташкилот Совет Иттифоқига душманчилик фаолиятини инглиз маъмурларининг ижозати билан шу вақтгача давом эттириб келаётганлигини яна бир марта исбот қилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг элчихонаси Буюк Британия ташқи ишлар министрлигининг эътиборини мазкур фактларга жалб қилиб, Англия маъмурлари совет кемалари Англия портларида турган вақтида бу кемаларни ва уларнинг экипажларини мазкур ташкилот агентларининг душманчилик ҳаракатларидан муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқнинг ва савдо кемачилигининг ривожланишига ва нормал муносабатларни давом эттиришга халақит бераётган мазкур ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиш учун тегишли чоралар кўрсинлар деб яна бир марта қатъий талаб қилади.

Руминия ишчи партияси Марказий Комитети пленумининг резолюцияси

БУХАРЕСТ, 6 январь. (ТАСС). Бугун матбуотда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг 1956 йил 27-29 декабрда бўлиб ўтган пленумининг резолюцияси эълон қилинди. Резолюцияда Руминия Халқ Республикаси халқ хўжалигининг 1956 йилда эришган муваффақиятлари, бу муваффақиятлар меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун ҳамда ишчилар синфи ҳокимиятини, пролетариат диктатурасини ўзида гавдалантириш ва Венгрия социализм қуришни ва унинг узилкесил ғалаба қозонишини таъминлайдиган ҳамма чораларни кўраётганлигини очиқ кўриб, бунга қаноат ҳосил қила олди. Масалан, саноат ишчилари ва шахтерларнинг иш ҳақи оширилганлиги, ишланмайдиган кунлар масаласи ҳал қилиб олинганлиги, завод ишчи кенгашлари тўғрисидаги қарор, кооперативларнинг, давлат хўжаликларининг ва машина-трактор станцияларининг мулкини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарор, давлатга мажбурият етказиб бериш, олдиндан страхование қилиб қўйиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш солиқлари, боласизлик учун олинадиган солиқ, шунингдек кўсларлар ва майда савдогарлардан ёлланма ишчи кучидан фойдаланганлик учун олинадиган алоҳида солиқ системасининг тугатилганлиги, илгари ноҳақ равишда тортиб олинган пенсиялар масаласи бартараф қилинганлиги мана шундай тадбирлардан бўлди.

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Буюк Британиядаги элчихонаси Буюк Британия территориясида ўзига «НТС» ташкилоти деб ном қўйиб олган жиноятчи унсурлар группасининг Совет Иттифоқига қарши душманлик ишлари олиб бораётганлигига ташқи ишлар министрлигининг эътиборини бир неча марта жалб қилган эди. Шу билан бирга, Буюк Британия ҳукумати мазкур ташкилотнинг фаолиятини тўхтатмоқ учун тегишли чоралар кўриш ҳақида масала қўйган эди. Шунга қарамай бу ташкилот Совет Иттифоқига нисбатан ўзининг душманчилик-қўпорувчилик фаолиятини аввалгидек давом эттириб келмоқда. Мазкур ташкилот кейинги вақтларда Англия портларига кириб-чиқаётган совет кемаларининг денгизчиларига нисбатан ўзининг алоҳида активлигини авж олдириб юборди.

Чунончи, 1956 йил декабрь ойида «Балашов» совет пароходи Лондон портининг Гренландия докида тўхтаб турганида пароход яқинидаги кўпчилик тўпланадиган жойларга рус тилида бостирилган антисовет материаллар жуда кўп миқдорда ёйиб қўйилган. Пароход келган вақтда пайдо бўлган ва сўнгра шу жойларда турган номаълум кишилар совет денгизчиларига игвогарликдан иборат саволлар бериб турганлар ва уларни жиноят қилишга ундовчи таклифлар қилганлар.

Шу каби фактлар «Сиваш» ва «Балашов» совет пароходлари яқинда Гулль (Халл) портида турган вақтда ҳам, шунингдек «Станиславский» совет пароходи Ливерпуль портида турган вақтда содир бўлган.

Мана шу портларда Совет Иттифоқига душманлик кайфиятида бўлган номаълум шахслар группаси совет денгизчиларига игвогарликдан иборат саволлар бериб ва жиноятга ундовчи таклифлар қилиб, уларнинг жиғига тега берганлар, мазкур ташкилот нашр этган ва душманлик мазмунида бўлган босма материалларни совет денгизчиларига улашиб беришга, шунингдек совет-пароходлари ичига ташлашга кўп уринганлар.

Шу ташкилот томонидан тарқатилаётган сохта «совет газеталари» ва «совет авторларининг китоблари» тариқасида нашр этилган материалларда Совет Иттифоқига қарши туҳмат гаплар ёзилган ва жиноий ишлар қилишга ундовчи таклифлар ёзилган (буни мазкур материалларнинг илова қилинган нусхаларидан кўриш мумкин).

Юқорида келтирилган фактлар Буюк Британия территориясида мазкур ташкилот Совет Иттифоқига душманчилик фаолиятини инглиз маъмурларининг ижозати билан шу вақтгача давом эттириб келаётганлигини яна бир марта исбот қилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг элчихонаси Буюк Британия ташқи ишлар министрлигининг эътиборини мазкур фактларга жалб қилиб, Англия маъмурлари совет кемалари Англия портларида турган вақтида бу кемаларни ва уларнинг экипажларини мазкур ташкилот агентларининг душманчилик ҳаракатларидан муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқнинг ва савдо кемачилигининг ривожланишига ва нормал муносабатларни давом эттиришга халақит бераётган мазкур ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиш учун тегишли чоралар кўрсинлар деб яна бир марта қатъий талаб қилади.

Пленум саноатнинг ривожланишидан ва хўжалик эҳтиёжларининг ҳамда аҳоли эҳтиёжларининг ўсишидан қишлоқ хўжалиги орқада қолиб бораётганлигини тугатишни партиянинг, халқ-демократик давлатнинг ва меҳнаткашларнинг марказий иқтисодий вазифаси деб ҳисоблайди. Асосий дон экинлари — маккажўхори ва бугдой етиштиришни ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини, айниқса чорвачиликни юксалтирмоқ учун ҳал қилувчи шартдир. 1960 йилга қадар маккажўхори экиладиган майдонни 4 миллион гектарга, бугдой ва жавдари бугдой экиладиган майдонни эса тахминан 3,5 миллион гектарга етказиш зарур.

Иккинчи беш йиллик йилларида қишлоқ хўжалик социалистик секторининг қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ва давлатнинг марказлашган фондини вужудга келтириш ишида аҳамияти анча ортади. Давлат қишлоқ хўжаликлари яқин йиллар ичида дон етиштириб берадиган энг катта хўжаликлар бўлиб қолишлари лозим. Коллектив қишлоқ хўжаликларни, ишлаб чиқариш кооперативларини ва қишлоқ хўжалик ширкатларини хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга, уларни янги аъзолар ҳисобига кенгайтиришга ва янги кооператив хўжаликларини вужудга келтириш, уларни ҳартомонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим Пленум қарорларини бажармоқ учун, дейилади резолюцияда, бутун партия омма орасида ташкилий-сиёсий ишларни яхшилаш ва оммани ижодий ташаббускорлигини сафарбар қилиш соҳасида жиддий куч ва ғайрат сарфлаши лозим.

Сўнгра резолюцияда партия ташкилотлари, касаба союзлар, халқ советлари олдига конкрет вазифалар қўйилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЦЕЙЛОН АҲОЛИСИГА ЁРДАМИ

1956 йилда Цейлоннинг Марказий-Шимолий вилоятида қурғоқчилик бўлди. Анурадхапур районида аҳвол айниқса оғирлашди. Цейлон матбуотининг хабарларига қараганда, қурғоқчилик натижасида 50 минг акр ердаги ҳосил нобуд бўлган.

Шу муносабат билан СССР Қизил крест ва Қизил яримой жамиятлари Союзи Ижроия Комитети Цейлоннинг қурғоқчиликдан зарар кўрган аҳолисига ёрдам фондига Цейлон пули билан 10 минг рупия беришга қарор қилди.

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов Цейлон аҳолиси табиий офатга учраганлиги муносабати билан ачиниш изҳор қилиб Цейлон бош министри ва ташқи ишлар министрига телеграмма юборди. (ТАСС).

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ КОНГРЕСС ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ ЁПИЛДИ

ИНДОР, 7 январь. (ТАСС). Кеча бу ерда Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг 62-съезди ўз ишини тамомлади. Съезд ёпилиш олдидан бош министр Неру ташқи сиёсат масалаларига доир нутқ сўзлади. Неру ўз нутқида Ҳиндистон ташқи сиёсатининг изчил сиёсат эканлигини кўрсатиб ўтди. Неру ҳарбий иттифоқлар тузиш Ҳиндистон традицияларига тўғри келмаслигини танқидлаб, НАТО, СЕАТО ва Бағдод пакти сингари ҳарбий ташкилотларни танқид қилди. У, Ҳиндистон Покистон билан дўстона муносабатларда бўлишга тарафдор эканлигини айтди, бироқ АҚШ Покистонга қурол-яроғ етказиб беришни давом эттираётганлиги учун ўзининг афсусланганлигини айтди.

НЕРУНИНГ НУТҚИ

ИНДОР, 6 январь. (ТАСС). Ҳиндистон миллий конгресс партияси съездининг бугунги очиқ мажлисида сайлов манифести бир овоздан маъқулланди.

Бош министр Неру якунловчи нутқ сўзлаб, Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳволга тўхталиб ўтди. Баъзи мамлакатларнинг матбуотида Ғарбий Осиёда «куч бўшлиқи» бор ва Британия таъсири йўқолганидан кейин бу бўшлиқни тўлдириш керак бўлади, деган гаплар ёзилаётганлигига тўхталиб, Неру шу райондаги мамлакатларга ҳарбий «ёрдам» бериш планларини қоралади. Бу «бўшлиқ», деди Неру, четдан ҳарбий ёрдам бериш йўли билан эмас, балки шу райондаги мамлакатларнинг ўзлари ўртасида бирликни ва кучни ривожлантириш йўли билан тўлдириши лозим. Ҳарбий иттифоқлар тузиш ёки ҳарбий ёрдамлар бериш йўли билан ҳеч қандай проблемани ҳал қилиб бўлмайди. Ҳарбий ёрдам жанжалга сабабчи бўлиб ва тағин ҳам каттароқ қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Ғарбий Осиё мамлакатлари тузук тараққий қилмаган мамлакатлардир, улар камбағал мамлакатлардир, шунинг учун ҳам камбағалликни тугатиш улар учун ҳал қилинишга лозим бўлган чинакам проблемадир.

Сувайш жанжали, деди Неру, ҳеч бир мамлакат бошқа мамлакатга ўз хоҳишини зўрлаб ўтказиши мумкин эмаслигини кўрсатди, чунки жаҳон жамоатчилиги бунақа зўрлашга қаршилик кўрсатади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да **Ҳожи афанди уйланади**, 9/I да **Аломат ҳодиса**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Эсмеральда**, кечқурун **Фауст**, 9/I да кундуз **Шўрали**, кечқурун **Гулсара**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да **Зафар** (билетлар сотилган), 9/I да **Азиз ва Санам**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Николай Жеребцов гастроллари — «Куч аттракциони»**. Томоша кеч соат 8 да бошланади.

10/I гача кундуз соат 1 ва 4 да **Янги йил арчаси**.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм. **Бу шундай бошланар эди...**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз соат 12 гача **Капитан Грант болалари**, қолган сеансларда **Бу шундай бошланар эди...**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 12 гача **Ўн икки ой**, қолган сеансларда **Бу шундай бошланар эди...**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

8, 9 январда

концертлар

Концертларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон халқ ҳофизи